

Янги йилдан “Тенг имкон – инклюзив бандлик” лойиҳасини жорий этиб, ногиронлиги бўлган 40 минг одамни ишли қилиш муҳим экани таъкидланди. Бандлик жамғармасидан уларга 30 миллион сўмгача фойсиз ссуда ажратиш йўлга қўйилади.

Камбағалликка қайта тушиш хавфи мавжуд оилаларга ижтимоий ёрдам ва имтиёзлар сақлаб қолинади. Уларга 6 ой мобайнида моддий ёрдам ва болалар нафақаси тўланиши давом эттирилади, боғча ва тўгарак харажатини қоплаш, даволаниш ордери каби 110 та ижтимоий хизмат ва ёрдамдан 12 ой давомида қўшимча фойдаланиш имкони берилади.

Бундан ташқари, оғир ҳаётий вазият сабабли камбағалликка тушиб қолиши хавфи юқори бўлган оилаларни олдиндан аниқлаб, уларга манзилли ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилади.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 19 ноябрь кунги камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишидан

Муносабат



УСТУВОР СИЁСАТ: ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ВА ИНСОН ҚАДРИ

Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
партия фракцияси раҳбари

Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилиши нафақат йил сарҳисоби, балки Янги Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларини белгилаб берган муҳим воқеа бўлди.


Биз – социал-демократлар учун мазкур йиғилишда кўтарилган масалалар партиямизнинг бош ғояси – ижтимоий адолатни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадлари билан тўлиқ ҳамоҳанг эканлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Янги ланаётган тиббиёт – соғлом жамият асоси

Умуман олганда, ушбу янгиликлар тиббиётдаги техник базани янгилашдан кўра кенгроқ ва чуқурроқ жараён. Бу — инсон саломатлигини энг олий қадрият сифатида белгилаш, тиббий хизматларни ҳар бир хонадонга яқинлаштириш, ёш мутахассислар учун янги истиқболлар очиш, энг муҳими, шифокорлик номига бўлган ишонч ва эътиборни юксалтириш ҳаракатидир. Мен эса шифокор сифатида бу ўзгаришларни фақат кузатувчи эмас, балки амалий иштирокчи сифатида ҳис қилайман. Бу масъулият мени янада талабчан, янада билимга чанқоқ, янада фидойи бўлишга ундайди. Чунки бугунги янгиланаётган тиббиёт — эртанги соғлом жамиятнинг асосидир.



Inson manfaatları — oliy qadriyat



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

№ 46 (1563)

2025-YIL 21-NOYABR, JUMA

adolat24.uz/

t.me/Gazeta_Adotat

Олмалиқ:



САНОАТНИ ЮКСАЛТИРАЁТГАН БОЙЛИКЛАР

Кейинги йилларда мамлакатимиздаги йирик саноат мажмуаларида, корхоналарида амалга оширилаётган ишлар, қўлга киритилаётган ютуқлар, бунёдкорликлар ва янгилинишлар билан халқимизни яқиндан таништириш мақсадида медиа турлар, давра суҳбатлари, очиқ эшиклар кунларини ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Айни кунларда Олмалиқ кон-металлургия комбинатида марказий, ҳудудий ва маҳаллий босма оммавий ахборот вакиллари учун “ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНЛАРИ” ўтказилди.

Ушбу кунлар доирасида журналистлар ОКМК ишчи-ходимлари билан учрашиб, комбинатда олиб бо-


рилаётган ишлар, корхоналардаги амалиётга татбиқ этилаётган лойиҳалар, ишчи-хизматчиларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар билан танишдилар. Шунингдек, журналистлар ишчи-хизматчилар билан давра суҳбатлари давомида комбинат ҳаёти ва фаолиятини ёритиш борасидаги ижодий режалари билан ҳам фикрлашдилар “Очиқ эшиклар кунлари” комбинатнинг олис ва яқин ўтмиш тарихини, республикаимиз саноатини ривожлантиришдаги ўрнини акс эттирувчи музей экспозицияларини намойиш қилишдан бошланди.

ҲАҚ СЎЗНИНГ ҚУДРАТИ



софлигини сақлаб келаётган беминнат ёрдамчидир у! Мамлакат ички ва ташқи сиёсатини халққа етказувчи энг кучли восита! Дунё сиёсати маромини аңлатувчи ҳолис куч! Ҳукумат қарорлари, қонунчиликдаги янгиликлар, ўзгаришлар...

ҚАНДАЙ “БОЙИБ” КЕТГАНИМ...



Уйимнинг ҳужжатини сумкамга солиб олиб, топармон-тутармон таниш-билишлар олдида бордим, гап солдим: “Мана шу яшаётган уйимнинг ҳужжатини гаровга бераман. Ўн беш кунга 10 минг доллар қарз бериб туролмасизми?” Ҳеч кимдан мен кутган жавоб чиқмади. Кун ўтарди, қарзни вақтида тўламасам, халқаро суддан уйимизга чиқрув қоғози келиши ҳақида кунига неча марталаб эслатарди мутахассис. Унинг овозини оиламдагилар эшитиб қолмаслиги учун эшикни ёпиб, секин гаплашардим.

ОБУНА-2026

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!
2026 йил учун обуна
давом этмоқда.
“ADOLAT”га
ОБУНА БЎЛИШИНГИЗГА ИШОНАМИЗ.



Обуна индекси - 100

УСТУВОР СИЁСАТ: ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ВА ИНСОН ҚАДРИ

1 Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, тизимли ислохотлар натижасида жорий йил бошидан ишсизлик даражаси 4,9 фоизга тушди. Энг қувонарлиси, эҳтиёжманд 302 минг оила камбағалликдан чиқарилди ва йил якунига қадар бу кўрсаткич 6 фоизгача камайиши кутилмоқда.

Хусусан, шароити оғир ҳудудларда ҳам 105 минг оиланинг даромадга кириши – бу шунчаки куруқ рақамлар эмас, балки юз минглаб юрдошларимиз ҳаётидаги реал ижобий ўзгаришлар ифодасидир.

Йиғилишда айрим ҳудуд раҳбарларининг масъулиятсизлиги, яратилган имконият ва ресурслардан оқилона фойдаланмаганлиги қаттиқ танқид қилинган. Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсати қанчалик қатъий эканини кўрсатади.

Йил бошидан буён 261 нафар масъулнинг лавозимидан озод этил-

гани бундан буён халқ манфаатлари йўлида бепарволикка асло йўл қўйилмаслигидан далолатдир.

Бизнингча, ҳар бир мансабдор шахс ўз вазифасини ҳалол, виждонан бажариши, халқ олдидаги ҳисобдорликни ва Ватан равнақида дахлдорликни теран ҳис этиши шарт.

Президентимиз томонидан 2025 йил учун белгилаб берилган 5 та устувор йўналиш партияимиз дастурий мақсадларига уйғун эканлиги билан бизни гоят руҳлантирди.

Хусусан:

Биринчидан, 2026 йилда илк бор маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун 20 триллион сўмнинг бевоусита вилоятлар ихтиёрига – маҳаллий кенгашлар ва жамоатчилик назоратига берилиши юксак ишонч ва масъулиятдир.

Иккинчидан, янаи йилдан “Тенг имкон – инклюзив бандлик” лойиҳасининг жорий этилиши ва ногиронлиги

бўлган 40 минг юртдошимиз бандлигини таъминлаш мақсад қилингани – ижтимоий адолатнинг ёрқин намунасидир. Уларга 30 миллион сўмгача фоизсиз ссуда ажратилиши бизни ушбу қатлам манфаатларини ҳимоя қилишда янада фаол бўлишга ундайди.

Учинчидан, эҳтиёжманд оилаларга 110 та ижтимоий хизматдан фойдаланиш имкони яратилиши ва оғир вазиятга тушиб қолиш хавфи бор оилалар билан манзилли ишлаш тизими – давлатимизнинг инсонпарвар сиёсати бардавом эканини аңглатида.

Давлатимиз раҳбари: “**Улкан мақсадларни маблағи билан бошляппиз**”, дея таъкидладилар. Дарҳақиқат, келгуси йилда иқтисодиётга 450 триллион сўм кредит ажратилиши режалаштирилган.

Ушбу маблағларнинг манзилли ва самарали ишлатилиши, ажратилаёт-

ган имтиёзларнинг ҳар бир эҳтиёжманд хонадонга етиб бориши устидан таъсирчан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш – “Адолат” СДПнинг барча бўғиндаги депутатлари ва фаоллари учун устувор вазифа бўлади.

Шунингдек, “соядаги иқтисодиёт”га қарши курашиш ва иш ўринларини қонунийлаштириш борасидаги ташаббусларда ҳам фаоллик кўрсатишимиз лозим. Зеро, қонуний меҳнат – кафолатланган келажақ ва фаровон пенсия таъминотининг асосидир.

Мухтасар айтганда, барчамиз бирлашиб, давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифаларни сидқидилдан бажарсак, кўзланган марраларга, албатта, эришамиз. Зотан, Бош қомусимизда Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида муҳрлаб қўйилган экан, Янги Ўзбекистонда ҳеч ким эътибордан четда қолмайди.

ҚАРДОШЛИК АПОҚАЛАРИ минтақамизда ҳамкорликларни мустаҳкамламоқда

Бугунги тез ўзгаришчан глобал вазиятда Марказий Осиё минтақаси том маънода янги уйғониш остонасига қадам қўймоқда. Бу жараён, аввало, минтақа давлатлари раҳбарлари ўртасида сўнгги етти йилда шаклланган очиқ мулоқот, ўзаро ишонч ва конструктив ҳамкорлик сиёсатининг самарасидир.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви минтақанинг тарихий аҳамиятга эга навбатдаги дипломатик муваффақияти сифатида эътироф этилиши мумкин. Сабаби, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган ташаббуслар, илгари сурилган гоялар ва қабул қилинган қатор муҳим ҳужжатлар минтақамизнинг сиёсий, иқтисодий ва гуманитар интеграцияси янги босқичга кирганини яна бир бор намоён қилди.

Жумладан, саммитнинг энг муҳим янгиллиги бу Озарбайжон Республикасининг Маслаҳат учрашуви форматига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинишидир. Бу нафақат Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик доирасини кенгайтиради, балки Жанубий Кавказ билан янги геосиёсий ва иқтисодий боғланишлар учун мустаҳкам замин яратади.

“Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўлининг қурилиши, Трансафғон йўлагининг ривожланиши, Транскаспий коридорларининг кенгайиши – буларнинг ҳар бири минтақанинг географик устуңлигини иқтисодий афзалликка айлантиради. Бундай лойиҳалар нафақат мамлакатлар ўртасидаги транспорт боғлиқлигини кучайтиради, балки Каспийдан Европагача бўлган улкан логистик маконнинг бирлашувини таъминлайди. Шу боис, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан бу қарор “Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасида мустаҳкам кўприк барпо этиш” деб баҳоланди. Дарҳақиқат, ушбу қадам икки минтақа ўртасидаги транспорт йўлакларини, энергетик ҳамкорлик, савдо ва инвестиция алоқаларининг янги босқичга кўтарилишига хизмат қилади.

Ушбу ўзгариш нафақат давлатлар ўртасидаги стратегик шериклики, балки минтақавий сиёсий вазнини ҳам сезиларли оширади. Бугунги кунда Мар-

казий Осиёда бирдамлик руҳининг мустаҳкамланиши халқроқ доирада ягона позицияни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, маслаҳат учрашувлари тўғрисидаги Низомни қабул қилиш, ротация асосида фаол яритувчи Котибият ташкил этиш ҳамда миллий мувофиқлаштирувчилар мақомини Президентнинг махсус вакиллари даражасига кўтариш, ушбу форматни доимий ва тизимли ҳамкорлик майдонига айлантиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, Оқсоқоллар кенгашини тузиш ташаббуси ҳам минтақамиз тарихий ва маънавий қадриятларига ҳамоҳанг саналади.

Президентнинг 2035 йилгача мўлжалланган минтақавий иқтисодий дастур ишлаб чиқиш борасидаги таклифи асосида эса ўзаро савдо ҳажминини камида 2 бараварга ошириш, маъмурий тўсиқларни қисқартириш, эркин иқтисодий зоналардан биргаликда фойдаланиш, электрон тижоратни ривожлантириш каби йўналишларни кучайтириш мақсади ётади. Ҳақиқатда, бугунги рақамли иқтисодиёт асрида Марказий Осиё мамлакатларининг электрон савдо платформаларини бирлаштириш ташаббуси улкан салоҳиятга эга.

Қабул қилинган Минтақавий хавфсизлик концепцияси ва Таҳдидлар каталоги яқин йилларда ягона хавфсизлик сиёсатини шакллантиришда асосий дастуриламал бўлади. Шу билан бирга, Афғонистон масаласи ҳам ўринли тарзда диққат марказида бўлди. Президентнинг Афғонистонни инфратузилма ва энергетика лойиҳаларига интеграция қилиш буйича таклифи минтақавий барқарорликка эришишнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, 2026–2036 йиллари “Марказий Осиёда сувдан оқилона фойда-

ланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги” деб эълон қилиш таклифи келажақ учун ўта муҳим ташаббус. Айниқса, Сув ҳўжалиги бўйича минтақавий компетенциялар марказини Тошкентда ташкил этиш таклифи соҳадаги кадрлар етишмаслиги муаммосини ҳал қилишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги глобал мураккаб геосиёсий шароитда минтақа давлатларининг ўзаро бирдамлиги ҳар қачонгидан муҳимдир. Шу боис, минтақа етакчиларининг Маслаҳат учрашуви ҳамда унда илгари сурилган ташаббуслар ва имзоланган ҳужжатлар Марказий Осиёни келгуси 10–20 йилда қандай кўринишда ривожланишининг аниқ концептуал ёндашуви бўлди, дейиш мумкин.

Энг муҳими, ушбу ташаббуслар мамлакатимиз учун ҳам, бутун минтақа учун ҳам улкан стратегик аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман. Бугунги кунда бизнинг кучимиз – бирлиқда, тараққиёт сари йўлимиз – ҳамкорликда, келажагимиз эса – стратегик ҳамжиҳатликдадир. Марказий Осиё давлатлари еттинчи Маслаҳат учрашуви ана шу йўлнинг янги, мустаҳкам босқичини бошлаб берди.



Гулнорахон АБДУВОҲИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги “Адолат” СДП
фракцияси аъзоси

Турли қитъаларда ҳар хил кечаётган демократик ислохотларни янги босқичга олиб чиқаётган дунё мамлакатлари йилдан-йилга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатни очиқ бошқарувга асосланган сиёсий тизимни янгилашдек умумий тенденцияларни амалга оширмоқда. Марказий Осиё мамлакатларида, хусусан, Янги Ўзбекистонда давлат бошқарувини оптималлаштириш натижасида ижтимоий ўзгаришлар юз бераётгани шулар жумласидандир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАРАТИПГАН НИГОҲ



Убайдулла МИНГБОВЕВ,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Яқинда Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиёда тараққиётнинг янги ва тарихий аҳамиятига кўра чинакам бирдамлик босқичи ҳамда қардош халқлар билан ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини шакллантиришга қаратилган теран фикрлари баён этилган “Марказий Осиё янги давр остонасида” сарлавҳали мақоласи эълон қилинди.

Кўпчилик қатори мен ҳам ушбу мақолани диққат билан қайта-қайта ўқиб Президентимиз айтмоқчи бўлган фикрларни ўзим қайд қилиб олдим. Мақолада келтирилишича, қўшни мамлакатлар билан ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқиш учун давлатлар даражасида зарур шароит яратилган. Бу масалада минтақа мамлакатлари билан барқарор ривожланишни таъминлаш ва одамларнинг кундалик ҳаётини яхшилаш учун мавжуд имкониятлардан биргаликда фойдаланадиган умумий макон яратиш мақсад қилинган. Мен ўйлайманки, мазкур бариёнлар барчанинг кўз ўнгига умумий қадриятлардан келиб чиқиб ўзаро бирлиқда амалга оширилаётгани минг йиллар давомида оғани бўлиб келган тарихи ва тақдирини туташ халқларимизга ҳамда Марказий Осиёнинг бугунги тараққиёти ва келажагига дахлдор бўлган масалаларни бамаънафад, ҳамжиҳатлик билан амалга ошираётгани минтақа лидерларининг ақидил фикрга эга эканлигини билдиради. Фаҳр билан айта оламнки, бу масалада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев анча илдам. У кишининг таклиф ва ташаббуслари билан дунёнинг нигоҳи Марказий Осиёга, хусусан, Янги Ўзбекистонга қаратилётгани кўндек равшан. Сўнгги икки ой ичида Америка Қўшма Штатларига амалга оширилган иккита ташриф, шу кунларда Самарқандда ўтказилган UNESCO Бош конференциясининг 43-сессияси, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви бунга аққол далил бўла олади. Ўзаро ишонч, ҳурмат ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш руҳида ўтказилаётган бу каби саммитлар келгусида минтақавий ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаши шубҳасиз.

Мақоладаги сайъ-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган иттиҳодлар ҳақида билдирилган “Буларнинг барчаси Марказий Осиё давлатларидан янада жипс ва ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишни тақозо этади” деган фикр эътиборимни тортди. Ҳақиқатан ҳам, Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги кундаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш шунчаки сиёсий мақсад эмас, балки стратегик заруратдир. Қачонки биз қўшнларимизнинг ютуғидан фаярлансак, улар бизнинг барқарор ривожланишимизни олқишласа, миллий хавфсизлигимизни биргаликда таъминласак, шундагина муштарак мақсадларга эришган бўлаемиз. Агарда биз бир тану бир бўлиб биргаликда ҳаракат қилсак минтақавий ҳамкорлиқнинг янги босқичига йўл очиб, шу кунга қадар имконсиз деб келинган реал муаммоларни бартараф этишга осонлик билан эриши оламиз. Ана шундагина ташқаридан бўладиган хатарли кучларнинг ҳар қандай кўринишига умумий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда узил-кесил жавоб бера оламиз.

Президентимизнинг ёзганларини мутлоа қилар экансиз, Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон билан боғлиқ бирор-бир масала очиқ қолиб кетмаганига ишонч ҳосил қиласиз. Авваллари бизни ажратиб турган, йиллар давомида кескинлик манба бўлиб келган чегара масалаларининг дўстлик ва ҳамкорлик қўприғига айлангани дейсизми, ёки келишмовчилик ва зиддиятларга сабаб бўлиб келган можаролар даре ва бўлоқ суваридан эркин ва умумий фойдаланишга ўтилгани дейсизми, қариндош-уруғчилик, қуда-андачилик ришталари билан боғланган қўшни мамлакатга бориб келишдаги виза масалаларининг ҳал этилганлиги дилимиздаги ғуборларни ювиб, яқин-яқингача орзу бўлиб келган мамлакатларимиз ўртасидаги эркин ҳаракатланишга доир умидларимизнинг ушалгани ҳам рост. Бу иккиланмасдан айтиш мумкинки, бу ишлар ўз-ўзидан бўлган эмас. Унинг ортида мамлакатларимиз етакчилари томонидан бугунни эмас, эртанги кунни ўйлаб олиб борган мақсадли мулоқотларнинг рўёби бор. Буни мақоладаги “Кўшничилик – ҳаф эмас, имоният, бир тарафининг муваффақияти – барчанинг ютуғи...” деган фикр тамомилга тасдиқлайди, албатта.

Мақолани ўқир экансиз, ҳақиқатдан ҳам, Марказий Осиё янги давр остонасида, деган хулосага келишингиз табиий. Чунки унда ҳеч бир соҳа хусусида шунчаки сўз юритилмаган. Дипломатик алоқалар, иқтисодиёт, саноат соҳаси, гуманитар соҳадаги Марказий Осиёнинг етакчи аёллари мулоқоти, ёшлар платформаси ташкил этилгани, ректорлар ва олимлар иштирокидаги форумлар ўтказилаётгани, ўзаро маданият йиллари, курғазмалар, концертлар ва спорт тадбирларининг ташкил этилаётгани, энг муҳими, қардош мамлакатлар ўртасида авиақатновлар, темир йўл ҳамда автобус йўналишларининг йўлга қўйилгани ҳақидаги маълумотлар ҳар қандай кишини тўлқинлантирмайдиган кўймайди.

Оқоридаги фикрларнинг мантикий давоми сифатида халқроқ алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётгани ҳам эътироф этилган. Дунё мамлакатлари энди биргина мамлакат билан эмас, балки Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари билан яхлит форматда мулоқот қилаётгани таъкидланган. Жорий йилнинг ўзида Европа Иттифоқи, Хитой, Россия ва АҚШ саммитларининг ўтказилгани минтақанинг глобал сиёсатдаги шиддати ва стратегик аҳамияти ортиб бораётганини тасдиқлаши хусусида сўз юритилган.

Президентимиз таъкидлаганидек, булар ўз-ўзидан бўлган жараён эмас, балки умумий тақдир ва биргаликда тараққий этиш салоҳиятини аңглаб етган мамлакатларимиз етакчиларининг аниқ мақсадга қаратилган сайъ-ҳаракатлари ва сиёсий иродасининг натижасидир. Мен ўйлайманки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё мамлакатлари Президентлари билан ҳамкорлиқни яна кенгайтириб, минтақани барқарор ривожланиш борасида ҳали кўп ташаббусларни илгари суради. Бу каби таклиф ва ташаббуслар фақат Янги Ўзбекистон ва унинг халқи учун эмас, балки, Марказий Осиё минтақасида жойлашган барча халқларнинг умумий мақсади, тинчлиги ва фаровонлиги учун хизмат қилади.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида дастлаб Президентини Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” номли мақоласида илгари сурилган устувор йўналишлар муҳокама қилинди.

Депутатлар ушбу мақолани нафақат минтақавий ҳамкорликни институционал асосда қуқурлаштиришга қаратилган стратегик ҳужжат, балки узоқни кўзлаган амалий сиёсий концепция сифатида юқори баҳоладилар.

Шундан сўн фракция аъзолари “Давлат божини тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 9-моддасига қўшимча ва ўзгартариш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Таъкидлаганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, давлат ва жамият манфаатларини қўллаб ер ажратишда белгиланган инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳўжалик юритувчи

субъектлар томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаслиги, ердан самарасиз ёки ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш зарурати юзага келяпти.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Давлат божини тўғрисида”ги қонунга махсус иқтисодий ва саноат зоналари дирекциялари инвестиция битими бўйича мажбуриятларини бажармаган тадбиркорлик субъектларининг ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш бўйича иқтисодий судларга киритилган даъво аризалари юзасидан давлат божини тўлашдан озод этили-

шини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартариш киритилмоқда.

Муҳокамадалар давомида фракция аъзолари Манзура Салимова ва Гулнорахон Абдувоҳидова қонун лойиҳасининг аҳамияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган экан, лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида ундаги нормаларни амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш, ҳуқуқни қўллашда тушунмовчиликларнинг олдини олиш ва ер муҳофаза-

сини таъминлашда барча мажбуриятлар бажарилишини лойиҳада акс эттиришга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлашди.

Депутатлар ушбу қонун лойиҳаси ердан оқилона ва самарали фойдаланишга хизмат қилишини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватладилар.

Йиғилишда кўн тартибидан ўрин олган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

“ҚАНДЛИ ДИАБЕТ”ГА ҚАРШИ КУРАШ: тушунтириш ва тиббий кўриклар кенг қупоч ёзди

Партия ташаббуси

Нутрициологлар фикрича, бир кунда истеъмол қилинадиган шакарнинг ўртача миқдори организм эҳтиёжидан ортиб кетган тақдирда, қандли диабет каби юрак-қон томир, семириш ва метаболик синдромга оид хавфли ҳолатларнинг пайдо бўлиши эҳтимоли кескин ошади. Халқ орасида “сахар” номи билан таниш бўлган ушбу касаллик мамлакатимизда ҳам энг кўп учрайди. Асосан ногўғри овқатланиш, кучли ҳаяжон ёки қўрқув, доимий стресс ва ҳаракатсиз турмуш тарзи унинг асосий сабаблари саналади. Ачинарлиси, юртдошларимизнинг катта қисми қандли диабетнинг илк белгиларини сезмайди ёки эътиборсиз қолдиради. Аммо касаллик ўз вақтида аниқланмаса, юрак, буйрак, кўз ва асаб тизимига жиддий зарар етказиши мумкин. Халқроқ диабетга қарши курашиш куни муносабати билан “Адолат” социал-демократик партияси томонидан мамлакат миқёсида “Қандли диабетга қарши курашиш ҳафталиги” ўтказилгани эса олиб борилаётган тиббий профилактика самарадорлигига салмоқли ҳисса қўшди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйлаб қандли диабет билан оғирланган сонни йил сайин ошиб, хасталик тобора “ёшариб” бормоқда. Бугунги кунда Ер юзи аҳолисининг қариб 7 фоизи ушбу касалликдан азият чекмоқда. Бу эса инсон саломатлиги учун жиддий таҳдид сифатида жаҳон миқёсида ҳам, миллий даражада ҳам профилактик чораларни қучайтиришни таъқозо этмоқда. Диабет нафақат бир шахс, балки бутун жамиятнинг ҳаётига таъсир кўрсатадиган ижтимоий-сиёсий муаммага айланган. “Адолат” СДП Андижон вилоят кенгаши айнан шу долзарб йўналишда амалий ҳаракатни қучайтирди.

“Диабетнинг олдини оламли” шиори остидаги акция доирасида партия фаоллари ва тиббиёт ходимлари ҳамкорлигида жамоатчиликнинг тиббий маданиятини ошириш, фуқароларга касалликнинг келиб чиқиш сабабларини тушунтириш ва энг муҳими, соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш мақсад қилинди. Тадбир доирасида Андижон шаҳрида ташкил этилган тадбирга “Навбахор” ва “Дўстлик” маҳаллаларида яшовчи аҳоли, шу ҳудуддаги 31-мактаб меҳнат жамоаси тақдир этилди. Дастлаб иштирокчилар учун соғлом ҳаёт билан диабетдан сақланишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Шифокорлар касалликдан сақланиш, диабетга чалинганда ўз вақтида даволаниш лозимлиги, носоғлом ҳаёт касаллиқни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири эканлиги тўғрисида тушунча берди. Тўғри овқатланиш ва жисмоний фаоллик инсон саломатлиги учун фойдалилиги кўрсатиб ўтилди.

Шу жойда 300 нафардан ортиқ тадбир қатнашчиси қандли диабет ва унинг зарари юзасидан етарли тушунчага эга бўлди.

БУХОРО ВИЛОЯТИ. Ҳозирги кунда қандли диабет нафақат глобал тиббий муаммо, балки жамият учун иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга хавфли касаллик сифатида эътироф этилмоқда. Марказий Осиё давлатлари, шу жумладан, юртимизда ҳам бу сурункали касаллик ёш ва фаол аҳоли қатламларида тез суръат билан тарқалмоқда. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва шу турдаги касалликларни эрта аниқлаш мақсадида “Адолат” социал-демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши ҳамда вилоят эндокринология диспансери ҳамкорлигида Пешку туманида ташкил этилган акцияда юқоридагилар алоҳида таъкидланди.

Асосий мақсад – нафақат аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, балки соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш ва профилактика аҳамиятини кенг тарғиб қилишга қаратилди. Кўрик давомида фуқаролар қон босими, қондаги глюкоза миқдори, вазн ўлчами ва бошқа умумий саломатлик кўрсаткичлари бўйича текширилди. Натижада унга яқин фуқарода қанд миқдори меъёрдан юқори экани аниқланди. Улар диспансер ҳисобига олиниб, тиббий тавсиялар берилди. Эндокринологлар таъкидлаганидек, қандли диабет кўпинча яширин кечади, аммо унинг оқибатлари юрак-қон томирлари, буйрак ва асаб тизимида жиддий

асоратлар келтириб чиқаради. Тадбир давомида соғлом овқатланиш, мунтазам жисмоний фаоллик, стрессни камайтириш ва ортқча вазндан сақланиш бўйича фойдали маълумотлар ҳам улашилди.

Шунингдек, “Соғлом бўлиш – ўз қўлингизда” номли тарғибот материаллари тарқатилиб, зарур жисмоний машқлар намойиш қилинди. Акцияда ёшлар, аёллар ва кекса авлод вакиллари фаол иштирок этиб, тиббий текширувларнинг аҳамиятини чуқур англаб етди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ. Тарғибот доирасида турли туманларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳоли ўртасида тиббий маданиятини оширишга қаратилган амалий тадбирлар изчил ташкиллаштириб борилади.

Хусусан, партиянинг Сайхунобод туман кенгаши туман тиббиёт бirlашмаси билан ҳамкорликда аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида давра суҳбати ва тиббий кўрик ташкил этди. Тадбирда қандли диабетнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг инсон ҳаёти ва саломатлигига таъсири, соғлом овқатланиш ҳамда жисмоний фаолликнинг аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди. Жумладан, Сайхунобод туман тиббиёт бirlашмаси бош шифокори Нарзулла Шаматов агар касаллик доимий назорат қилинмаса, жамият саломатлигига жиддий путур етказишини айтиб, унга қарши курашишда парҳез, қанд пайсантирувчи воситалар, жисмоний фаоллик ва тиббий хабардорлиқни ошириш бўйича фойдали тавсиялар берди.

Тиббий кўрикда ўз саломатлигига бефарқ бўлмаган 30 нафардан ортиқ ҳамюртларимиз иштирок этиб, қондаги шакар миқдорини текширтиришди. Уларга индивидуал профилактик маслаҳатлар тақдим этилди. Тадбир иштирокчилари бундай амалий акциялар соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантиришга ҳам хизмат қилишини таъкидлашди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ. Кундалик ҳаётимизда қандли диабет ҳақида эшитмаган одам озчиликни ташкил қилса керак. Аммо бу хасталик ҳақида етарли маълумотга эга бўлиш, унинг сабаблари ва олдини олиш йўллари билиш ҳар бир фуқаро учун жуда муҳим. Зеро, диабет инсоннинг бутун турмуш тарзи, овқатланиш одатлари ва жисмоний фаолияти билан узвий боғлиқ ҳолат.

Жиззахда ўтказилган тадбирларда партия фаоллари эндокринолог мутахассислар билан ҳамкорликда жойларда аҳоли билан суҳбатлар ўтказиб, диабетнинг белгилари, хавф омиллари ва уни бартараф аниқлаш усуллари ҳақида тушунтириш ишларини олиб борди. Шу орқали улар касалликни жиловлash ва фуқароларда соғлом ҳаётга нисбатан масъулият ҳиссини қучайтиришга ҳисса қўшди. Жумладан, партиянинг Жиззах вилоят кенгаши томонидан амалий тарғибот ва тиббий кўрикни қамраб олган профилактик тадбир ташкил этилди. Ушбу тадбир Жиззах шаҳрининг “Иттифок” маҳалласида ўт-

казилиб, унда 100 нафарга яқин фуқаро иштирок этди. Дастлаб тиббий кўрик жараёнида иштирокчиларнинг қондаги қанд миқдори, артериал босими, юрак фаолияти ва умумий соғломлик ҳолати текширилди.

– Қандли диабет кўп ҳолларда кеч аниқланади ва оғир оқибатларга олиб келиши мумкин, – дейди “Адолат” СДП Жиззах вилоят кенгаши раиси ўринбосари Пўлат Ҳамзаев. – Шунинг учун профилактика энг самарали усул эканини юртдошларимиз тушуниши керак. Тадбир орқали аҳолини бепул тиббий кўриқдан ўтказиб, уларнинг соғлом турмушга муносабатини қайта қўриб чиқишга туртки бердик. Жараён нафақат Жиззахда, балки барча ҳудудларда изчил давом этди. Мақсадимиз – жамоатчиликка соғлом ҳаётнинг аҳамиятини етказиш ва касалликнинг олдини олиш маданиятини шакллантиришдир.

Таъкидлаш кераки, ҳафталик доирасида 32 маротаба тиббий кўриклар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ташкил этилди. Кўрикларда 243 нафар фуқародан 25 нафаридан касалликка мойиллик борлиги маълум бўлди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Маълумки, жамият саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва профилактика тадбирларини қучайтириш бугунги кунда давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу нуктаи назардан, аҳолининг қандли диабет ҳақидаги билимларини ошириш, касалликнинг олдини олиш ва эрта ташхис қўиш бўйича амалий ёрдам кўрсатишни мақсад қилган “Қандли диабетга қарши курашиш ҳафталиги” Сурхондарёда нафақат тиббий соҳа мутахассисларининг фаол иштироки, балки партия фаоллари ва жамоатчиликнинг соғлом авлодни тарбиялаш йўлидаги ҳамжиҳат ҳаракатини ҳам намоён қилди.

– Қандли диабет – бу нафақат тиббий, балки ижтимоий муаммодир, – дейди халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати Абдуқодир Мустафоқуллов. – Биз партия фаоллари сифатида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйганмиз. Шу боис, бундай акциялар орқали фуқароларни ўз соғлиғига бефарқ бўлмамлиқка, касалликларнинг олдини олишга чақирмоқдамиз. Ҳар бир инсон соғлом турмуш тарзини кундалик ҳаёт қоида-сига айлантириши лозим. Бу нафақат шахсий саломатлик, балки бутун жамият фаровонлиги учун муҳим аҳамиятга эга.

Режага мувофиқ, “Адолат” СДП Сурхондарё вилоят кенгаши ва Термиз шаҳар Кенгаши ташаббуси билан академик Ё.Х.Тўрақуллов номидаги Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сурхондарё филиалида бепул тиббий кўрик ташкил этилди. Тадбир доирасида фуқароларга қандли диабетнинг белгилари, унинг асоратларини олдини олиш чоралари, соғлом овқатланиш ва жисмоний фаолликнинг аҳамияти ҳақида атрофлича тушунтиришлар берилди. Шунингдек, шифокорлар томонидан фуқароларга глюкоза миқдорини аниқлаш, қон босимини ўлчаш юзасидан ва индивидуал тиббий маслаҳатлар тақдим этилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Бугун дунё мамлакатлари аҳолиси орасида диабет бутун соғлиқни сақлаш тизимини ўйлантираётган жиддий омилга айланиб улгурди. Шу боис, касаллик хавфини камайтиришда профилактика, огоҳлик ва эрта диагностика ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. “Адолат” социал-демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши ҳамда академик Ё.Х.Тўрақуллов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали томонидан Оҳангарон шаҳри ва Юқори Чирчиқ туманида аҳоли саломатлигини асрашга қаратилган қатор амалий тадбир-

лар ташкил этилди. Ушбу ташаббуслар икки ҳудудда бир пайтнинг ўзида профилактик ишлар стратегиясини қучайтириш, аҳоли тиббий саводхонлигини ошириш ва диабетнинг олдини олиш борасида муайян самара берди.

Жумладан, Оҳангарон шаҳар деҳқон бозори ҳудудида ўтказилган тиббий акцияда аҳоли учун қондаги глюкоза миқдорини бепул аниқлаш, хатар омилларини маълум қилиш ва амалий тавсиялар бериш ишлари амалга оширилди. Мутахассислар фуқароларнинг умумий ҳолатини баҳолаб, қанд даражаси ошган ёки шубҳали кўрсаткичлар қайд этилганлар учун қўшимча текширув ҳамда даволаш йўналишларини белгилаб олди. Шунингдек, эндокринологлар томонидан диабетнинг 1- ва 2-турлари, унинг келиб чиқиш сабаблари, соғлом овқатланиш маданияти, ваззни меъёрга ушлаш, жисмоний фаоллик ва стрессни камайтириш каби муҳим профилактик омиллар ҳақида атрофлича тушунтириш берилди.

Мутахассислар таъкидлашча, қандли диабет ижтимоий аҳамиятга эга бўлган сурункали касалликлар қаторига кириди ва ўз вақтида назорат қилинмаса, қуриш қобилияти пасайиши, юрак-қон томир касалликлари, буйрак етишмовчилиги ва қон айланишининг издан чиқиши каби оғир асоратларга сабаб бўлиши мумкин. Шу тўғрисида аҳолини эрта ташхис ва мунтазам мониторинг жараёнларига жалб этиш зарурати алоҳида таъкидланди. Юқори Чирчиқ туманидаги Тошкент вилояти эндокринология диспансерида ташкил этилган давра суҳбатига эса касалликка оид илмий-амалий маълумотлар тақдим қилинди. Жараён “Адолат” СДП вилоят кенгаши ходимлари, партия фаоллари, шифокорлар ва диспансер беморларига диабетни назорат қилиш ва унинг хавф омилларини камайтириш бўйича аниқ йўналишлар кўрсатгани билан аҳамиятли бўлди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ. Ҳафталик доирасида “Адолат” социал-демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши, Урганч шаҳар кенгаши ҳамда вилоят эндокринология диспансери билан ҳамкорликда бир қатор амалий тадбирлар ташкиллаштирилди. Жумладан, мазкур тиббий муассасада бўлиб ўтган тиббий кўрикда малякали эндокринолог, невропатолог, ревматолог каби то соҳа мутахассислари фуқароларни бирма-бир кўриқдан ўтказди. Урганч шаҳрининг “Гулзор” маҳалласида эса “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га киритилган фуқаролар, шунингдек, маҳалла аҳолиси учун эндокринология диспансери шифокорлари томонидан бепул кўрик ташкил этилди. Келган юртдошларимизга касалликни эрта аниқлаш ва унинг олдини олиш бўйича амалий тавсиялар берилди.

– Тиббий кўрик давомида биз нафақат соғлиғимиз ҳақида маълумот олдик, балки қандли диабетнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳақидаги билимларимизни ҳам мустаҳкамладик, – дейди урганчлик Гавҳар Қурбонова. – Тиббиёт ходимлари ва партия фаолларига катта раҳмат. Оиламиз билан бирга шифокорларнинг тегишли маслаҳатларини олиб, УЗИ ва ЭКГ ускуналари текширувларидан ҳам ўтдик. Умуман, партия ташаббуси билан ўтказилаётган бу каби акциялар жамият саломатлигига бўлган эътиборни ошириш, фуқароларни ўз соғлиғига масъулият билан қарашга ундаш билан аҳамиятли, деб ўйлайман.

Яқунда текширувга келган 160 нафар фуқародан 13 нафаридан қандли диабетнинг белгилари аниқланди ва эндокринологлар томонидан зарур даво муолажалари буюрилди.

Вилоят кенгашлари матбуот хизмати хабарлари асосида Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ тайёрлади

Депутат аралашгач

Боғча йўли асфальтланди

Бунёдкорлик ишлари кўлами кенгаёётгани, қишлоқ ва шаҳарларимиз кун сайин чирой очиб бораётгани ижтимоий демократик принциплар ҳаётимизда амалда эканидан далолат беради. Хусусан, ҳар бир мурожаатга очиқлик, аҳолининг эҳтиёжига тез ва самарали жавоб бериш механизмларининг қучайиши турли ҳудудларда ижобий натижалар бермоқда. Данғара туманидаги амалий ишлар ҳам эътирофга лойиқ.



Туманнинг “Чомоч” ва “Қашқар” маҳаллалари аҳолисига хизмат кўрсатувчи 19-сонли МТТга олиб боровчи йўл узок вақт давомида аҳоли учун жиддий муаммо бўлиб келган. Ёмғирли кунларда болаларни боғчага етказишдаги қийинчиликлар, йўлнинг амалий функциясини бажара олмаслиги ота-оналар учун ноқулайлик туғдирарди. Ана шундай долзарб масала бўйича фуқароларнинг мурожаати халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Жаҳонгир Йўлдошев эътиборига тушди.

Депутат масала юзасидан ўрганиш олиб бориб, муаммо сабаблари, уни ҳал қилиш учун зарур бўлган техник ва молиявий имкониятларни таҳлил қилди. У муаммони эътиборсиз қолдирмай, туман ҳокимиятига тақдим этди ҳамда ижтимоий аҳамияти юқори эканини асослаб берди. Натижада “Инфратузилма ва ижтимоий барқарорлик” жамғармаси маблағлари ҳисобидан қишлоқнинг 300 метр ички йўлини асфальтлашга қарор қилинди. Қисқа муддатда амалга оширилган бу ишлар нафақат йўлнинг сифатини яхшилади, балки маҳаллани янада хавфсиз, қулай ва тартибли ҳудудга айлантирди.

Фаргона вилоят кенгаши матбуот хизмати

Хушхабар

Партиядошимиз танловда йўлланма олди

Айни кунларда юртимизда ёшлар етакчилари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ва уларнинг интеллектуал ҳамда касбий салоҳиятини юксалтириш, ёшлар қалбиде Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш руҳи ҳамда тараққиётга дахлдорлик ҳиссини ошириш мақсадида “Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси” танловининг туман ва шаҳар босқичлари ўтказилмоқда.



Унда 10 та йўналиш бўйича ёшлар етакчилари ўз маҳорати, билими ва ташаббусларини намоиш этди, фаолиятидаги ютуқлари ва тажрибаларини кенг жамоатчиликка етказиш имкониятига эга. Аҳамиятлиси, танловнинг Уйчи туман босқичида “Адолат” СДП туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати ва “Деҳқон” маҳалласи ёшлар етакчиси Мазруфжон Юсубжонов намунали фаолияти ва иш услуби билан 1-ўринни эгаллаб, вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Биз партиядошимизни ушбу ютуқ билан самимий муборакбод этиб, кейинги босқичларда муваффақиятлар тилаймиз!

Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати



САНОАТНИ ЮКСАЛТИРАЁТГАН БОЙЛИКЛАР

Камол МАТЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

1 Маълумки, Ўзбекистон табиий ва қазилма бойликларга бой улқа ҳисобланади. Бир заминда Менделеев даврий жадалдагидаги элементларнинг даярли барчаси бор ва уларнинг захираси нийоятда мўл. Ушбу табиий бойликларни қазиб олиш ва улардан фойдаланиш сирларини аждодларимиз олис ўтмиш даврлардан бошлаб яхши билишган. Тарихий маълумотларга кўра, мамлакатимизда қонқилиқ саноати милоддан олдинги даврларда вужудга келган. 2-2,5 минг йиллик қадимий қонлар излари юрти-мизнинг Самарқанд, Бухоро, Навоий, Фарғона, Сурхондарё, Жиззах вилоятлари ҳудудларида сақланиб қолганлиги шундан далолат беради.

Ана шундай қадимий қонлар Тошкент вилояти ҳудудларида ҳам бўлганлиги тарихий маълумотлар келтирилади. Бугунги кунда Оҳангорон, Олмалик, Ангрент туманлари билан боғлиқ ҳудудлар қадимда Илоқ ноҳияси деярли тилтилган. Бу ноҳия қончилар ўлкаси сифатида шўҳрат қозонган. Х асрда ёзилган муаллифи номаъълум “Худуд ул-олам” асарида Илоқ хусусида шундай маълумот берилади: “Илоқ — қатта ноҳият, тоғ ва чўл оралиғида жойлашган. Аҳолиси кўп, экинзорлари бор, обод жой, одамлари меҳнаткаш. Унда шаҳар ва рустолар кўп. Тоғларида қумуш ва олтин қонлари бор. Унинг худуди Фарона, Жадагал (Чотқол), Чоқ ҳамда Хашарат(Сирбаре) дарёси билан туташ. Бу ноҳият ҳокимиятини Илоқ деҳқони деб атайдилар. Ноҳиятнинг бир неча шаҳарлари бор. Қўхисим — шаҳарча, тоғ ёнбағрида. Унинг тоғида қумуш қони бор. Дахкас — шаҳарча, унинг тоғидан марғиш олинади. Тункат-Бухорик — қасаба, савдогарлар жойидир (Бу шаҳар Илоқнинг пойтахти бўлган). Еполон — шаҳарча, унда дйрам (мана) зарб қилинадиган сарой бор. Халлух (Чотқол) тоғ тизмаларида қумуш, олтин, кўрғонин, темир ва бошқа минераллар жуда кўп”.

Ушбу маъмулотлар, агар қадимий Илоқ ноҳияти маркази ҳозирги Олмалик билан боғлиқлигини ҳисоба оладиган бўлсак, мамлакатимизда қончилик саноатининг тақомилида бу ҳудуд еттичи ўрин тутганлиги намоян бўлади. Шу билан бирга милодий X-XIII асрларда бу ерда қончилик ишлари жадал ривожланган. Абу Райҳон Беруний “Минералогия” асарида “Чоч ўлкаси, баъзан уни Тошкент деб ҳам айтишади, қимматбаҳо тошлари, нодир маъданлари билан Шарқ ўлкаларидан шухрат қозongan”, деб ёзгани бежиз эмас. Айнан шу даврда очилган кон ўринлари, рудалар қолдиқлари бу ерда кўрғошим, мис, рух, олтин, қумуш, темир, феруза ва бошқа қимматбаҳо тошларини қазиб олинганлигини, бу эса олтин дирамлар зарб қиладиган саройлар барпо этилганига омил бўлганлигини тасдиқлайди.

Опис ўтмиш, тарих ҳақиқатлари бугун ҳам ушбу баҳсларда ўз исботини топомқда. Бир пайтлари аجدодларимиз ақл-иқроқи, пешона тери эвазига очилган қадимий шахталар, турли қазилма бойлиқлар олинган кичик-кичик очик ҳавзалар ўринларида эндиликда янгидан барпо этилган, ишлаб чиқариш қуввати низоҳиёта қўсқак, илгор технологияларга асосланган замонавий қонлар бунёд қилинган Олмалик қон-металлургия қўминбатиини рангли, нодир ва қимматбаҳо металлар қазиб чиқаришда нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миёсида ҳам етакчи қорхоналардан бирига айланганмуқда. Бошқача айтганда, аجدодларимиз бошлаб берган қончилик соҳасидаги ишлар авлодлар томонидан муваффақиятли давом эттирилмуқда.

журналистлар Олмалик кон-металлургия комбинатининг кончилиқ соҳасидаги ютуқлари билан ҳам танишди-р. Комбинат 75 йилдан ошқар тарихий йўлни босиб ўтиб, республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Корхона мамлакатимиз мустақиллигидан кейин акциядорлар жамяиятига айлантирилди. Ҳозирги пайтда унинг бағрида Тошкент, Жиззах, Наманган, Сурхондарё вилоятларида жойлашган мис, молибден, қўроғшоң, рух, оптин ва кумуш каби нобъ рангли металллар қазиб олинadиган «Қалмоққир», «Ангрен», «Чодак», «Хондиза», «Ковулди» каби 6 та кон фаолият юрutiдаи.

Бундан ташқари, корхонанинг бешта бойитиш фабрикаси, Мис эритиш, Рух, Марказий таъмирлаш-механика заводи, Автомобиль транспорт, Технологий транспорт, Саноат темир йўл транспорт бошқармалари, Оҳак, Портлатиш материаллари заводи, Иссиқлик электр маркази, Саноат, Сув таъминоти цехи, Электр тармоқлари, Лойиха ишлари, Капитал қурилиш, Иختисослашган таъмирлаш ишлари бошқармалари, "Олмалик металлург қурилиш" трести қабиляр етакчи тармоқлари ҳисобланади. Умуман, Ўзбекистон рангли металлургиясининг пешқадами бўлган Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 40 дан ошiq миллият вакиллари-дан иборат 36 мингдан ортиқ қончи-металлургия хизмат қилишади. Комбинат Ўзбекистонда ва Марказий Осиёда ўз соҳаси бўйича етакчи саналиб, мис маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича дунёнинг 30 та йирик корхоналари сафидан урин олган.

— Комбинатимизда “Очиқ эшиклар кунлари”ни ўтказишдан мақсад босма оммавий ахборот воситалари ҳодимлари билан ишчи-хизматчиларимизнинг юзма-юз мулоқотларини, давра суҳбатларини ўтказиш эди. Ҳар гал журналистларни бу ерага тақлиф қилганимизда конларимизни, завод ва фабрикаларимизни, бошқармалар, цехларни кўрсатар эдик, улардаги иш жараёнлари билан таништирардик. Бу гал эса журналистларни ишчи-хизматчиларимиз билан учраштирдик. Ишчи-хизматчиларимиз матбуот вакилларига кўнгилларидаги орзу-тишларини, газета-журналлар ҳусусида, уларда нашр қилинаётган мақолалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, — дейди ОКММ акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг маслаҳатчиси Камола Умаралиева. — Журналистлар ҳам вакилларимиз билан ўз режаларини ўртоқлашдилар. “Очиқ эшиклар кунлари” маданият ва маънавият жаҳонисидagi ҳамкорликларга айланди. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак. Маълумки, комбинатимиз учун ер ести ва ер усти маъданлари катта бойликлар ҳисобланади. Лекин биз учун ундан улгурок бир бойлик бор. Бу ўша маъданларни қазиб олиб, юртимиз фаровонлиги, халқимиз бахт-содати ўйида хизмат қилаётган фидойи ишчи-хизматчиларимиздир. Кунлар доирасидаги мулоқотлар ана шу ҳақиқатни исботлади.

Комбинатда ишлаб чиқариш жараёни модернизация қилишга, янги технологияларни амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор берилган. Бу рақамларда ҳам ифодасини топмоқда. Масалан, 2012-2016 йилларда комбинат барқарорлиги учун 13 миллион доллар сарфланган бўлса, 2017-2024 йилларда бу йўналишга сарфланган маблағ 35 бараварга ошиб, 4,5 миллиард долларга етган. Натижада саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳаёти 1,8 бараварга, саноатни маҳаллийлаштириш

Биш даражаси эса 7,7 бараварга ошган. Бу ютуқларнинг кўлга киритилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартда қабул қилинган "Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ишлаб чиқилган инвестициявий лойиҳаларнинг аҳамияти катта бўлди. Ютуқлар кўламини кейинги пайтларда йилга 110 минг тонна мис, 17 тоннадан зиёд олтин, 90 минг тонна рух метали, 162 тонна қумиш ишлаб чиқарилгани, 1 миллиард 100 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 662 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинганлиги ҳам исботлайди. Айни пайтда мамлакатимиз ялли саноат маҳсулотининг 5 фоизи, саноат маҳсулотлари экспортнинг 6 фоизи ушбу компания ҳиссасига тўғри келмоқда.

Корхона ютуқлари халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Комбинатда ишлаб чиқарилаётган оптин ва кумуш маҳсулотлариغا Лондон қимматбаҳо металллар биржасининг "Яхши маҳсулот етказиб берувчи" халқаро сертификати, Мис эритиш заводи маҳсулотига эса сифат белгиси бўйича "Юқори сифат эгаси" халқаро мувофиқлик сертификати берилган. Ушбу мувофиқлик сертификатиغا комбинатнинг Жиззахдаги цемент ишлаб чиқариш корхонаси ҳам лойиқ қўйилган.

— Комбинатда 2007 йилдан бери ишляпман. Кейинги йилларда компания металлургия саноатини илмий асосда, инновацион йўналишда ривожлантиришга жиддий эътибор берилмоқда. Ахир илм-фансиз, замонавий технологияларсиз тараққиётга эри-



шиб бўлаоми? — дейди ОКМК илм-фан ва инновациялар бўлими етакчи мухандиси, “Шухрат” медали соҳибига Наргиза Бекбўтаева. — Эътибор беринг, комбинатнинг модернизацияси дастури илмий ишланмалар асосидаяратилган. Ана шу илмий ишланмалар туфайли бу ерда келгусида қимматбаҳо ва нодир металлларни қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳажми аэвалеи йилларга нисбатан 1,3 марта ортади. Махсуслотларни сотишдан олинадиган даромад 1,5 барбарага ошиб, 12 триллион сўмга етади. Давлат бюджетига тушумлар ҳажми 5 триллион сўмдан ортади. Комбинатнинг соф фойдаси 1,6 триллион сўмини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам ҳар йили комбинатда бир неча ўнлаб илмий ишланмалар кўриб чиқилади ва уларнинг энг яхшилари ишлаб чиқаришга жорий қилинади. Ютуқларнинг омилиларидан бири ҳам ана шунда!

Корхонада металлургия, кончилар ва етук олимлар иштирокда экспортлар гуруҳи ташкил этилган. Гуруҳ томонидан ОКМКни узок мuddатда модернизация қилиш буйича дастур ишлаб чиқилган. Дастурда корхонага кончиллик соҳасида илгор хорижий технологияларни жорий қилиш белгиланган. Ҳисоб-китобларга қўра ушбу дастурни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш учун 502 миллион доллар маблағ софраниши режалаштирилган. Бу эса йилгича мис

ишлаб чиқаришни 110 минг тоннадан 148 минг тоннагача, рух ишлаб чиқаришни 78 минг тоннадан 120 минг тоннагача, оптигугурт кислотаси ишлаб чиқаришни 845 минг тоннадан 1,6 миллион тоннагача ошириш имконини беради.

Кейинги йилларда геологик қидирувлар ва инвестициялар миқдори ошishi натижасида ишлаб қикаришнинг янги имкониятлари топилмоқда. Айниинчда пайтда эса комбинатни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси доирасида «Ёшлик-1» конини ўзлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу кон нихоятда улуғвор. Унинг ҳудуди 11 минг гектарни ташкил этади. Захираси ҳамин нихоятда кўп — ҳар йили 65 миллион тонна маъдан қазиб олиш имконияти бор. Бу конда олтин, мис, кумуш, молибден, селен каби 13 турдаги қимматли ва нодир металллар мавжуд. Ҳозирги кунда конни тўла ўзлаштириш учун ишлар жадал олиб борилмоқда.

Шу билан биргаликда “Ёшлик-1” конаини ўзлаштириш инвестициявий лойиҳасининг биринчи босқичи доирасида комбинатнинг 3-Мис бойитиш фабрикаси ҳам барпо этилмоқда. Унинг қурилиши 2021 йилда бошланган эди. Бу

ошиқ ишчилар меҳнат қилишади, — дейди Марказий таҳлил лабораторияси рентгенспектрал таҳлил гуруҳи муҳандиси Дилноза Султонова.

— Бу ерда маъданлар руда ҳолатида то 99,98 фоизли металл ҳолатидагина бўлган жараёнда таҳлил қилинади. Маъмулий, табиятда бирор маъдан соф ҳолатда учрамайди. Масалан, аксарият ҳолларда мис рух, кадий, селен билан, олтин қумуш, вольфрам билан, теллур молибден, рений ва бошқа қалар билан бирикиб келади. Завод ва фабрикаларимизда ишлаб чиқарилаётган ана шу новё металлларининг софлиқ даражасини текшираман. Агар уларнинг софлиқ даражаси 99,98 фоизга етмаса, қайта ишлашга жўнатаман. Шунинг учун лабораториямизнинг комбинатимизнинг сифат белгисини, маҳсулот қўёғаси, десак янглишмаймиз. Лабораториямиз энг янги технологиялар билан жиҳозланган. Таҳлил жараёнллри тез амалга оширилади. Айни пайтда бу ерда таҳлил жараёни ҳаққаро ISO тизимизга ўтказилган. Бу маҳсулотларимизнинг ҳаққаро миқёсда эътироф этилишини таъминлайди.

Яна бир муҳим томони, бугун дунёда “яшил иқтисодиёт”, электр техникаси, электромобилсизлик саноати жадал ривожланмоқда. Бунинг натижасида 2030 йилга бориб мис маҳсулотларига бўлган эҳтиёж 40 фоизга ортиши кутилмоқда.

Бу дегани Олмалиқ комбинати маҳсулотлариغا узоқ йиллар давомида халқро даражада талаб ниҳомда катта бўлишини кўрсатади. Келгусида комбинат ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ҳажми 3 мартадан зиёд бўлмай, унинг қиймати қарийб 8 миллиард долларга етади.

Йилдаийлга ОКМК экспорт географиясы ҳам кеңгайиб бормокда. Хозире комбинат махсустолари 19 та давлатга экспорт килинмокда. Хориджа асосан мис, рух, молибден, рений, кўрғошнинг концентрати, қадмий, палладий кукуни каби махсустоларга талаб кучли. Утган йилда бир қатор янги бозорлар улаштирилди. Жумладан, Гвинея, Сенегал, Сербия, Жанубий Африка Республикаси, Марокан, Португалия каби давлатларга ҳам мис қатанкаси ва мис купориси экспорти амалга оширилди.

Комбинат хушдехлари учун профессионал муҳандис-техники ходимларини қайта тайёрлаш мақсадида муҳандислик мактаби барпо этилган. Мактабни лойиҳалаш Германиянинг "Aurubis" компаниясининг ўқув маркази намунасида амалга оширилди. Муҳандислик мактабида геология, қончилик иши, қаншоати транспортлари, маркшейдерлик иши, фотодаржа қазилмаларни бойитиш, металлургия, механика, энергетика, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш йўналишларида фақилат олиб бораётган мутахассислар ўқитилмоқда.

2024 йилда “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг узоқ муддатли кредит рейтинг кўрсаткичини “BB-” барқарор даражасида тасдиқлади.

Бир неча кун давом этган "Очиқ эшиklar кунлари" доирасида ОКМнинг Мис эритиш, Рух, Марказий таъмирлаш-механика заводларида, Мис бойитиш, 2-3-Мис бойитиш фабрикаларида, Қалмоққир кон, Автомобиль ва транспорт, Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва иттиҳий объектлар бошқармаларида, Марказий таҳлил лабораториясида, Саноат темир йул транспорт бошқармаси ва идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати корхоналарида учрашув ҳамда мулоқотлар бўлиб ўтди. Бу мулоқотлар комбинат ишчи-хизматчиларининг журналистлар билан дилтортар гурунгарига, ижодий суҳбатларига, маънавий жабҳадига учрашувларига айланди.

Олмалиқнинг бир томони Чотқол тоғ тизмаларига туташиб кетади. Бу тизмаларнинг юксак нуқталаридан назар ташласангиз кок-металлургия комбинатининг каскадлари, ўнлаб корхоналари, уфқларга қадар қўзилиб кетган далалар, машиналар турнақатор ўтаётган йўллар, шаҳар ва қишлоқлар, юрт кенглиklarидан бир бўлаги кўзга ташланади.

Бундай пайтда комбинатда бир марта бўлган одам Олмаликда нафақа тазмин устида, балки тазмин остида ҳам тинимсиз меҳнат давом этаётганлигига, бу ерда саноатни юксалтираётган омиллар, асосий бойликлар — фидойи кончилар, металлурглр, ҳаётини шу соҳага бағишлаган ишчи-хизматчилар эканлигига тўла ишонч ҳосил қилади.



Комбинатимиз учун ер ости ва ер усти маъданлари катта бойликлар ҳисобланади. Лекин биз учун ундан улуғроқ бир бойлик бор. Бу ўша маъданларни қазиб олиб, юртимиз фаровонлиги, халқимиз бахт-саодати йўлида хизмат қилаётган фидойи ишчи-хизматчиларимиздир. Кунлар доирасидаги мулоқотлар ана шу ҳақиқатни исботлади.



ЯНГИ ЈАНАЁТТАН ТИББИЁТ — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ АСОСИ

Ёшлар овози

Болалигимдан шифокор бўлишни орзу қилганман. Бу истак бола тафаккуримдаги содда тасаввур эмас, балки “инсонларга ёрдам бериш” деган эзгу туйғудан шакланган илк масъулият ҳисси эди. Вақт ўтиши билан ушбу орзу тажрибаларим, кўрган-кечирганларим, атрофда ўрнатилган баъзи ҳолатлар таъсирида мустақамланиб, қатъий ҳаётий мақсадга айланди. Шу боис, мактабда ўқиш давримданоқ кимё ва биология фанларига алоҳида меҳр қўйдим, инсон организмнинг мураккаб тизимларини англашга интилдим. Кейинчалик Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицейда таҳсил олдим ва шу олий таълим даргоҳига юқори балл билан ўқишга кирдим. Бу ерда тиббиётнинг илмий-амалий асосларини чуқур ўргандим. Ҳозирда Қибрай туманидаги ТошИЭС оилавий поликлиникасида шифокор сифатида ишлаяпман. Шу билан бирга бу соҳада илмий фаолият ҳам олиб бораяпман.

**Муниса АБДУАЛИМОВА,
Республика ихтисослаштирилган
эндокринология илмий-амалий
тиббиёт маркази клиник ординатори**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли янгиланишлар нафақат моддий-техник имкониятлар ва инфратузилма, балки ёш врачларнинг дунёқарашини ҳам бутунлай ўзгартирди. Дунё амалиётларида тиббиётнинг рақамлашуви, сунъий интеллект орқали диагностика, минимал инвазив амалиётлар устувор йўналиш сифатида жадал ривожланмоқда. Ўзбекистонда ҳам бу тенденциялар босқичма-босқич жорий этиляпти ва бу жараён шифокорларнинг замонавий билим ва тажрибаларга бўлган талабини кескин оширмоқда. Шу маънода, жорий ноябрь ойида давлат раҳбарининг университетимизга ташрифи, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика вакиллари билан ўтказган учрашуви, тизим ходимларига йўллаган байрам табриги ҳамда бир гуруҳ тиббиёт ходимларини юксак мукофотлар билан тақдирлагани айнан шу жараёнларни янги

босқичга олиб чиқиши билан эътирофга лойиқ ҳодиса бўлди. Тошкент давлат тиббиёт университетида инфратузилма яхшиланиши натижасида таълим олувчилар сони 29 минг 864 нафарга етди. Ўқув жараёнининг дунёқарашини ҳам бутунлай ўзгартирди. Дунё амалиётларида тиббиётнинг рақамлашуви, сунъий интеллект орқали диагностика, минимал инвазив амалиётлар устувор йўналиш сифатида жадал ривожланмоқда. Ўзбекистонда ҳам бу тенденциялар босқичма-босқич жорий этиляпти ва бу жараён шифокорларнинг замонавий билим ва тажрибаларга бўлган талабини кескин оширмоқда. Шу маънода, жорий ноябрь ойида давлат раҳбарининг университетимизга ташрифи, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика вакиллари билан ўтказган учрашуви, тизим ходимларига йўллаган байрам табриги ҳамда бир гуруҳ тиббиёт ходимларини юксак мукофотлар билан тақдирлагани айнан шу жараёнларни янги

пойтахтда амалга оширилган 400 дан зиёд юқори технологияли амалиётлар эндиликда вилоят ва туманларда ҳам бажарила бошлади. Биринчи марта 45 та туманда бўйрак кўчириб ўтказиш амалиёти йўлга қўйилгани, тез ёрдам хизмати электрон бошқарувага ўтказилиб, уларнинг етиш вақтининг 10–15 дақиқачага қисқартирилгани — бу ислохотларнинг оддий статистикаси эмас, балки инсон ҳаётини асрашга қаратилган улкан қадамлардир. “DMED” ягона электрон тиббий платформасига 36 миллиондан зиёд фуқаро маълумоти киритилгани эса хизматларни шаффоф, тезкор ва мувофиқлашган ҳолда кўрсатиш имконини яратди.

Давлатимиз раҳбари 10 ноябрь куни тиббиёт ва фармацевтика ходимлари билан ўтказган учрашувида соҳа ривожининг янада стратегик йўналишларини белгилаб берди. Энг муҳим тақдирлардан бири — тиббиёт ва фармацевтика ходимлари кунини ягона ва умумий байрам сифатида нишонлаш ташаббусидир. Бу фармацевтика соҳасининг тиббиётдаги ўрнини тўла эътироф этиш ҳамда унинг нуфузини кўтариш йўлида муҳим кадам, албатта. Бироқ сектордаги самарадорлик муаммосининг очик ва танқидий баҳолангани янги ҳамда ёндашувлар ишлаб чиқиш ҳамда соҳани халққа яқинлаштиришга имкон беради. Бунда ихтисослашган марказларга ажратилган 7,5 триллион сўмлик жиҳозларнинг бор-йўғи 25 фоизи ишлатилаётгани кескин танқид қилинди. Бу ҳолат фақат техника эмас, балки кадрлар тайёргарлиги, бошқарув, масъулият ва назорат борасидаги тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Шу боис олдиндаги янги вазифалар белгиланди. Унга мувофиқ, ҳар бир раҳбар жойлардаги эҳтиёжларни ўз вақтида ўрганиши ва тиббий тех-

нологиялардан тўлиқ фойдаланишни таъминлаши шарт. 26 та марказ директори, вилоят ва туман бошлиқлари бир ойлик аниқ амалий режа асосида ишлайди. Оғир туман ва маҳалаларда муаммоларни жойида ўрганиш, врачларни ўқитиш ва амалий ёрдам бериш янги бошқарув стандартига айланади. Бу ёндашув амалда “муаммони ўзи бориб ҳал қилиш” маданиятини шакллантиради. Жаҳон амалиётида бу — тиббиётдаги энг самарали бошқарув механизмларидан бири сифатида тан олинган. Янги ташаббуслар эса соҳа ривожини яна бир неча ўн йил олдинга суришга қаратилган ҳақиқий стратегик қарорлар экани билан аҳамиятлидир. Айтайлик, раҳбар ва бош шифокор лавозимларининг бир-бирдан ажратилиши тиббиётни менежерлик ва амалиётга ихтисослашган икки соҳали бошқарув тизимига ўтказди. Бу самарадорликни оширади.

Шунингдек, яхши ишлаган раҳбарларни рағбатлантириш тизими — 30 миллион сўм ва 500 миллион сўмлик инфратузилма маблағи, халқаро ўқув дастурлари орқали рақобат муҳитини кучайтиради. Бунда оилавий шифокорликка алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, умумий тиббиёт факультетининг очилиши, резидентларга маош тайинланиши, оилавий шифокорлик бўйича диплом ва 150 фоизлик устама берилиши сектордаги биринчи бўғинни кучайтиришда жиддий қадамлардир. Бундан ташқари, ҳамширалар академиясининг ташкил этилиши ҳамшираликни янги босқичга кўтаради, аҳоли учун юқори малакали парварош борасидаги тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Шу боис олдиндаги янги вазифалар белгиланди. Унга мувофиқ, ҳар бир раҳбар жойлардаги эҳтиёжларни ўз вақтида ўрганиши ва тиббий тех-

Умуман олганда, ушбу янгиланишлар тиббиётдаги техник базани янгилашдан кўра кенгроқ ва чуқурроқ жараён. Бу — инсон саломатлигининг энг олий қадрият сифатида белгилаш, тиббий хизматларни ҳар бир хонадонга яқинлаштириш, ёш мутахассислар учун янги истиқболлар очилиш, энг муҳими, шифокорлик номига бўлган инсонча ва эътиборни юксалтириш ҳаракатидир. Мен эса шифокор сифатида бу ўзгаришларни фақат қузатувчи эмас, балки амалий иштирокчи сифатида ҳис қилаяпман. Бу масъулият мени янада талабчан, янада билимга чанқок, янада фидойий бўлишга ундайди. Чунки бугунги янгиланаётган тиббиёт — эртанги соғлом жамиятнинг асосидир.

Қонунчиликдаги янгиланишлар

НАРКОЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ОВИРЛАШТИРИЛАДИ

Президентимизнинг 2025 йил 3 ноябрь куни имзоланган “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондига қарши жиноятлар” номли алоҳида янги бўлим киритилади.

Шунингдек, наркожиноий уюшма ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш, гиёҳвандлик воситаларини уюшган гуруҳ томонидан трансчегаравий усунларда ёки интернет тармоғидан фойдаланиб ўтказиш, ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш каби қилмишлар учун 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини белгилашни назарда тутувчи жиноий жавобгарлик жорий этилади.

Фармонда гиёҳвандлик воситаларини жамоат жойларида истеъмол қилганлик учун 15 суткагача маъмурий қамоқ жазосини қўллашни назарда тутувчи маъмурий жавобгарликни киритиш белгиланди.

ИШ ВАҚТИДАН ТАШҚАРИ МЕҲНАТ УЧУН ҲАҚ ТўЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Жорий йилнинг 11 ноябрь куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан иш вақтидан ташқари иш учун ҳақ тўлаш тизими такомиллаштирилади. Шу боис қонун ҳужжатларига Миграция агентлигининг ваколатларини аниқлаштириш, хусусий бандлик агентликларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенгайтириш, шунингдек, иш вақтидан ташқари иш учун ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бундан ташқари, Меҳнат кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра, иш вақтидан ташқари ишнинг давомийлиги йилига 120 соатдан ошмаслиги тўғрисидаги талаб чиқариб ташланди.

Иш вақтидан ташқари ишнинг 1 кундаги биринчи 2 соати учун камида 1,5 ҳисса миқдориди, 2 соатдан ортиқ қисми учун камида 2 ҳисса миқдориди ҳақ тўланиши белгиланди.

**Хуршид СУЛТОНОВ,
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази
масъул ходими**

Китоб жавонингизга

ҲАҚ СЎЗНИНГ ҚУДРАТИ

Катта ҳаёт тажрибасига эга зиёлиларнинг иши ҳам, сўзи ҳам салмоқли бўлади. Сиёсий, ижтимоий, маънавий-маърифий воқеликларни теран илғаб олиш учун ҳам инсонга етарлича билим ва тажриба керак. Дунёқараш ҳам шунга яраша бўлади, аслида. Таниқли тарихчи олим, профессор Карим Норматовнинг яқинда нашр этилган “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” эссе-монографиясида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг матбуот ва журналистларга эътибори, бугунги миллий журналистикамизнинг жамиятда тутган ўрни тадқиқ ва таҳлил этилган.

**Тўлқин ЭШБЕК,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети Журналистика ва
ўзбек филологияси факультети доценти**

Муаллиф ҳақиқат ва эл манфаатлари йўлида курашаётган журналистларнинг жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари, юртимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар, сўнгги етти йиллик Стратегик тараққиётнинг истиқболи ҳақида сўз юритади.

Президентимизнинг ҳар йили 27 июнда матбуот ва ОАВ ходимларига йўллаган байрам табригидан иқтибослар келтирар экан, муаллиф уларнинг замирида қандай мақсад ва вазифалар зухур этилганига эътибор қаратади.

Эссе-монографиянинг “Инсон, жамият, давлат, президент” деб номланган бобида ҳар қандай давлат келажагини, миллат истиқболини ёшлар белгиласи, ёшларга муносабат ҳақида долзарблигини йўқотмайдиган улкан ҳодиса эканлиги ҳақида сўз юритар экан, муаллиф Давлатимиз раҳбарининг “Ёшлик — ғанимат, вақт — ғанимат, фурсат борида отни қамчилане! Давлатимиз, халқимиз яратиб бераётган имкониятларнинг қадрига етине! Дунёва ўз сўзини эшитине!”, деган даъваткор сўзларини теран изохлайди.

“Ҳақ сўз қудрати ҳар қандай атомдан кучли, таъсири” деб номланган 1-бобдан ўрин олган “Журналистлар фикр-мулоҳазалари долзарб: муҳофаа ва ҳавфсизлик соҳалари каби қудратли кучга эга”, “Журналист — ҳақиқат ва адолат учун хизмат қилувчи жасоратли кадр”, “Миллий контент — ҳаётимиз кўзгуси” сарлавҳали фасллариде журналист — бир оғиз керакли сўзни осмондан олиб тушиш учун фазогирга, бир муборак жумлани океан қаъридан тўтиб чиқиш учун ғаввосга айланишга мажбурлиги баён этилади. Дарҳақиқат, журналист — ҳур сўз орқали бутун жамиятни, қолаверса, бутун дунёни эркинлаштиришга ишонади.

Муаллиф ижодкорлар енгил йўлдан юрмаслиги, манманликка, ҳою ҳавасга, мукофоту унвонларга учмаслиги кераклигига, ҳар бир журналист Ватан туйғуси билан иход қилиши зарурлигига эътибор қаратади. Бу борада атоқли сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов “Йўқотилган қалб...” ибораси замирида қанчалик улкан маъно мужассам эканлигини теран ифода қилади. “Қалби йўқолган, йўқотилган миллат, балки моддий томондан фаровон яшар, — деб ёзади муаллиф. — Лекин у озоқ фикрлашдан маҳрум бўлади. У эркинлик туйғусини ҳис этмайди, ҳис этолмайди. У қарамликни, қулликни норизо бўлмасдан, табиий ҳолда қабул қилади. У бўйсуниб, муте бўлиб яшайди. Бундай одам учун муқаддас туйғунини ўзи йўқ, Қалбини йўқотиб қўйиш қандай аянчли аҳволга олиб келади? Қалб йўқотилиши миллат таназзулини билдиради. Миллатимиз қалбини сугуриб олганлар ўз вақтида мана шу ёвуз мақсадни кўзлаган эдилар...”

Муаллиф мамлакатимизда “хаёт кўзгуси”га айланиши зарур бўлган газета ва журналларимиз, теле-радиоканалларимизда ошқоралик, таҳлил ва ҳолис танқид руҳи кучайгани, бевосита хорижий мамлакатлардан тайёрланаётган материаллар сони ортиб бораётганини таъкидлаб, оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида ҳам ҳали кўп иш қилишимиз зарурлиги борасида фикрларини баён этади.

“Журналист — Ватан ҳимоячиси, умрини бунёдкорлик ишига бағишлайди” деб номланган 2-бобнинг “Аллома журналистлар битикларига бир назар”, “Устоз олим журналистлар ижоди — тафаккур, фикрлар ва мушоҳада омили”, “Ҳақиқий журналист соғва кутиб яшамайди”, “Медиа таълимда саводхонлик ҳал қилувчи роль ўйнайди(ми)?” сарлавҳали фасларида ҳам журналистика — бугун табиятан оммавий куч-қудрат эканлиги теран изохланган. Зотан, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, глобал ижтимоий-сиёсий жараёнлар беқиёс шиддат билан ўзгараётган ҳозирги ўта мураккаб ва нотинч дунёда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсири ҳар қачонгидан ҳам кучли аҳамият касб этаётганини ҳаммамиз сезиб-англаб туришимиз. Шу маънода, бепосён медиоламда ҳолис ва ҳаққоний ахборот тарқатиш билан бирга, миллий манфаатларимизни қатъий ҳимоя қиладиган журналист аҳлининг машаққатли меҳнатини муқаддас сарҳадларимизда серғак турган Ватан посбонларининг жасоратига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади.

Шу ўринда муаллиф қуюнчақлик билан ёзганидек, “ГАЗЕТАЛАРНИ БОЙ БЕРИШНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ҚўРҚИНЧЛИДИР. АММО БИЗ БОЙ БЕРЯПМИЗ. ХУДДИ ОРОЛНИНГ СЕКИНЛИК БИЛАН БИЗДАН УЗОҚЛАШАЁТГАНИНИ БИРОВИМИЗ БИЛИБ, БИРОВИМИЗ БИЛМАЙ, БИРОВИМИЗ БИЛСАК-ДА, ПАРВО ҚИЛМАГАНМИЗ КАБИ ФОЖИАНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛМАЯМИЗ. ИСТАЙМИЗМИ, ЙЎҚМИ, ЖАМИЯТНИНГ ОНГЛИЛИГИ, МАЪРИФАТЛИЛИГИДА ГАЗЕТАНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁСДИР. ГАЗЕТА БИРИНЧИ ЎРИНДА САВОДХОНЛИК МАКТАБИДир. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ СОФИЛИГИНИ САҚЛАБ КЕЛАЁТГАН БЕМИННАТ ЁРДАМЧИДИР У! МАМЛАКАТ ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИНИ ХАЛҚҚА ЕТКАЗУВЧИ ЭНГ КУЧЛИ ВОСИТА! ДУНЁ СИЁСАТИ МАРОМИНИ АНГЛАТУВЧИ ХОЛИС КУЧ! ҲУКУМАТ ҚАРОРЛАРИ, ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ АНГЛИКЛАР, ЎЗГАРИШЛАР...”

Бундай теран таҳлилга бой эссе-монография, айниқса, ёш журналистлар учун катта сабоқ бўлади, деган умиддамиз.

